



YOSHLAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадимий тарихи ва маданий ҳаётини ҳар томонлама кенг ёритиш, номоддий маданий меросимиз бўлган кўп қиррали ўзбек миллий ҳунармандчилигини кенг намойиш қилиш, унинг ноёб намуналарини тарғиб этиш, шунингдек, ушбу йўналишда ўзаро тажриба алмашиш орқали турли халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, маданий-гуманитар алоқаларни халқаро миқёсда кучайтириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касбий анъаналар ва ҳунармандчилик мактабларини сақлаш ва қайта тиклаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг ҳар икки йилда бир марта Қўқон шаҳрида Халқаро ҳунармандчилик фестивалини (кейинги ўринларда Фестиваль деб аталади) ташкил этиш, биринчи марта ушбу фестивални ҳамда фестивал доирасида “Хунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш истикболлари” мавзусида илмий-амалий конференцияни 2019 йилнинг 10-15 сентябрь кунлари ўтказиш тўғрисидаги таклифларни маъқулласин.

2. Халқаро ҳунармандчилик фестивалига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмитага (А.Арипов): Фестивални ўтказиш бўйича кўзда тутилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш; Фестиваль совриндорларига топширилган диплом, сертификат, ҳайкалча намуналарини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

4. Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг уларни Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъул этиб белгилаш тўғрисидаги таклифларни маъқулласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги: хорижий давлатлардан маҳоратли ҳунармандлар, амалий санъат усталари, мутахассислари, соҳа олимлари ва фахрий меҳмонларни Фестивалга таклиф этишда Савдо-саноат палатаси ва “Хунарманд” уюшмасига амалий ёрдам кўрсатсин;

6. Фарғона вилояти ҳокимлиги Қўқон шаҳрида кенг қўламлиги ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишлари амалга оширилишини, Фестиваль ўтказиладиган саҳна майдонлари ва жойлар талаб даражасида тайёрлалишини таъминласин.

7. Маданият вазирилик Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда Фестивалнинг

тантанали очилиш маросимини ҳар томонлама пухта ва бадий жиҳатдан бетақрор усулда тайёрлаш учун юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, уста ҳунармандлар, саҳна расмолари, истеъдодли ёш санъаткорларнинг кенг жалб этилишини таъминласин.

8. Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси Маданият вазирилик, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Бадий академияси билан биргаликда:

Фестиваль доирасида Қўқон шаҳридаги марказий майдоннинг ён атрофида ҳунармандчилик санъатига оид турли кўргазмалар, ҳунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, қадимий ҳунармандчилик дастхоналари ва маҳсулотларини яратиш жараёнлари, ҳунармандчиликка оид бадий ва ҳужжатли фильмлар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ва уларнинг сотуви ташкил этилишини; Фестиваль дастури ишлаб чиқишини ва унинг Фестивалдан уч ой аввал туристик ташкилотларга тақдим этилишини, интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилишини;

Фестиваль доирасида миллий либослар кўргазмали чиқишлари, акция ва кизикчилар, фольклор ва дорбозлик жамоаларининг томоша дастурлари намойиш этилишини;

Фестивалнинг туризм календарь режасига киритилишини ҳамда хорижий сайёҳларни Фестивалга жалб қилиш чоралари кўрилишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Фарғона вилояти ҳокимлиги Фестиваль катнашчилари ва меҳмонлар учун меҳмонхоналардан жой ажратиб чораларини кўрсинлар.

10. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Фестиваль катнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва “Хунарманд” уюшмаси буюртмаларига мувофиқ белгиланган тартибда авиа ва темир йўл чипталари билан таъминлаш чораларини кўрсинлар.

11. Фестивалга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ташкилий қўмита томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган смета асосида кўйидаги тартибда:

50 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

50 фоизи — Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик хайриялари ва қонуни ҳужжатларида таққилланган бошқа манбалар ҳисобидан қоплансин.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Фестивалнинг хорижий катнашчиларини кутиб олиш, жойлаштириш ва уларни Қўқон шаҳрига юборишни ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Фестивалга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

ДЎСТЛИК МИЛЛАТ ТАНЛАМАС!

Ёшлар ижод саройида “Бағрикенг Ўзбекистон!” шиори остидаги ёшлар фестивалининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ташкил этилган танловда ижодкор йигит-қизлар беш йўналиш бўйича маҳорат ва истеъдодини синовдан ўтказганди.

Юрдошларимиз қалби ва онгига бағрикенглик ғоясини синдириш мақсадида амалга оширилган лойиҳанинг кўйи босқичларида турли

миллат ва элатта мансуб 30 минг нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди. Шундан 600 нафарга яқини финал йўлланмасини қўлга киритди. Яқунда турли ёш тоифалари бўйича энг яхши иншо, шеър, видеоролик, тасвирий ва фотосурат муаллифлари аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Тадбир доирасида миллатлараро тотувлик мавзусини камраб олган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

— Иншолар танловида катнашиб, биринчи ўринга сазовор бўлганимдан мамнунман, — дейди Навоий давлат кўнчилик институти қошндаги академик лицей ўқувчиси Ди-

лобар Ражабова. — Ўз ишларимда дўстлик ва ҳамжихатликни тараннум этиб, бу икки хислат ёш, миллат ва дин танламаслигини ифодалашга ҳаракат қилдим. Фестивалдаги ғалабам мени янги ижодий марралар сари етаклашига ишонаман.

Шахноза НУРУЛЛАЕВА

“YOSHLAR — KELAJAGIMIZ” DAVLAT DASTURI — AMALDA

Наманганлик Исломбек Каримбоев вилоятда илк бор сунъий қонламали майдонлар учун чим ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.



**500 МИЛЛИОНГА
ЯНГИ БИЗНЕС**

“Нимоя толари” хусусий корхонаси раҳбарининг навбатдаги бизнес лойиҳаси Ёшлар иттифоқи мутасаддиларига манзур бўлди. Шу боис уни амалга оширишга “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси ҳисобидан нарқ 500 миллион сўм миқдоридан имти-

ёзли кредит маблағи йўналтирилди. Энди ёш тадбиркор мамлакат бозорига керакли материални етказибгина қолмай, ўндан ортиқ иш ўрнини ҳам яратиши мумкин.

Мухбиримиз

ИННОВАЦИЯ УЧУН ҲАШАМАТ КЕРАК ЭМАС



“Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик инновацион тараққиётга тезроқ етиб боришимизга имкон беради. Масалан, тарих бизга АҚШдаги “Силикон водийси” каби жуда катта маблағ эвазига амалга оширилувчи лойиҳалар ҳамма жойда ҳам бирдай самара бермаслигини ўқитмоқда. Россиянинг “СКОЛКОВО”сини эсланг. Бундай гигант мажмуадан кўра худудларда кичик-кичик инновацион марказларни ташкил қилиш минг чандон афзал”.

Инновацион ривожланиш вазирини
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ билан эксклюзив
интервьюнинг тўлиқ матнини
2-3-саҳифаларда ўқинг.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 1 ноябрь

**КЛИПМИ,
ҚИЛИКМИ?**

4

IFTIXOR

Қанча эътироф
этсанг ҳам оз

Шерзод МАХМУДОВ



Жорий йилнинг 16 октябрь куни Будапештда бўлиб ўтган халқаро турнирда 12 ёшли шахматчимиз Жавохир Синдоров чинакам рекорд ўрнатиб, жаҳоннинг энг ёш халқаро гроссмейстери номига сазовор бўлганди.

Куни кеча пойтахтимиздаги Ёшлар пресс-клубида иктидорли спортчи ва унинг оила аъзолари, шунингдек, мураббийларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Жавохирнинг кўплаб мухлислари ҳам жам бўлди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қахрамон Қуранбаев навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялашда спортнинг аҳамияти хусусида сўз юритар экан, йиғит-қизлар ўзи истаган спорт тури билан шугулланиши учун мамлакатимизда барча


шароитлар яратилганини таъкидлади. Шундан сўнг Жавохир Синдоров ва унинг мураббийларига Ёшлар иттифоқининг эсдалик совғалари топширилди.

— Эришган натижаларим билан чеklangиб қолмоқчи эмасман, — дейди Ж.Синдоров. — ФИДЕ рейтингда 2 минг 700 очко тўплашни, асосийси эса, жаҳон шахмат тожини Ўзбекистонга қайтаришни мақсад қилдим.

Тадбир якунида дунёнинг энг ёш гроссмейстери тенгдошлари учун маҳорат дарсини ўтиб берди.

ИННОВАЦИЯ

Инновацион ривожланиш вазири, академик Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ газетамизга берган интервьюсида Ўзбекистон қачон инновацион “рельс”га тушиши, яқин истиқболда қаерга қараб ҳаракатланишимиз, юртимизда инвестицион компаниялар нега тузилгани, “инсон капитали”нинг истиқболимиз учун аҳамияти ҳамда Глобал инновацион индексга киришнинг зарурати ҳақида гапириб берди.



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ:

ЎЗБЕКISTONNING ҚАЙСИДИР
ТУМАНИДАН БИТТА ТАЛАБА
“GOOGLE”ГА ЎХШАГАН КОМПАНИЯ
ЯРАТСА БЎЛДИ — БИЗ ЁРИБ ЧИҚИБ
КЕТАМИЗ!

Самарқандда
Ҳадис илми мактаби
ташкил этилди

З.ЭШОНҚУЛОВ,

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилоятидаги вакили,
вилоят бош имом-хатиби. ЎЗА

Президентимизнинг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида 1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинганни шукроналик ва хурсандчилик билан қарши олдик.

Ҳозирда юртимизда фаолият олиб бораётган олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларида дарслар умумий йўналишда олиб борилади. Шу боис, ҳадис илмини ўргатишга ихтисослашган таълим йўналишидаги илм даргоҳига эҳтиёж бор эди. Чунки буюк муҳаддислар яшаб ўтган заманимизда ҳадис илми бўйича билимдон, боболар йўлини муносиб давом эттирадиган мутахассисларга талаб юқори.

Ислон дини ва ҳадис илми ривожига бекиёс хисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, улар томонидан асос солинган ҳадис илми мактаблари фаолиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш ҳамда динимиз асослари ва ҳадис илмини пухта ўзлаштирган олий маълумотли етук мутахассислар тайёрлаш мақсадида ташкил этилаётган ушбу таълим даргоҳи айни эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

Ҳадис илми мактаби Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигида олий таълим берувчи нодавлат таълим муассасаси хисобланади.

Биз учун энг муҳим жиҳати, мазкур янги таълим муассасаси вилоятимизда фаолият кўрсатади. Яъни, Пайариқ туманидаги Хўжа Исмоил шаҳарчасида бунёд этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази биносида иш олиб боради.

Ҳадис илмининг султони Имом Бухорий мангу кўним топган муқаддас мажмуа ёнида ташкил этилган Ҳадис илми мактаби ватандошларимизга муборак бўлсин!

ESHITDINGIZMI?

Улуғбек планетарийда!



Тошкент шаҳар планетарийсида улуғ аллома Мирзо Улуғбекка бағишлаб ўрнатилган экспонатнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда астроном олимлар, шу соҳага қизиқувчи ёшлар, хорижий давлатлар вакиллари иштирок этди.

Дастлаб меҳмонларга ўн беш йиллик тарихга эга Планетарий ҳақида батафсил маълумот берилди. Шундан сўнг астрономия фани ривожига бекиёс хисса қўшган бобокалонимиз Мирзо Улуғбекка атаб ишланган экспонат томошабинларга тан-

танали равишда намойиш қилинди.

— Улуғбек ҳақида аввал ҳам эшитгандим, — дейди малайзиялик ишбилармон Кҳалифа Жули. — Аммо бутунги тадбирда унинг боқий сиймоси кўз ўнгимда жонлангандек бўлди. Шох ва олимнинг ўз даврида мукамал обсерваторияни бунёд эта олгани — бу мислсиз воқеа. Энди ишончим қомил, бундай буюк зотнинг илмий меросини чуқур ва пухта ўрганиш керак.

Мухбиримиз

— Иброҳим Йўлчиевич, шу йилнинг январь ойида сиз билан учрашганимизда вазирилик эндигина оёққа тураётганди. Ҳозир эса, кўриб турганимиздек, кўл-кўлга тегаётгани йўқ. Мана, яқинда “INNOWEEK” — Халқаро инновацион гоялар ҳафталиги ўтказилди. Жуда муваффақиятли лойиҳа. Бу билан жамоангизни чин юракдан табриқлайман.

— Раҳмат.

— Лекин суҳбатни бошқа муҳим воқеадан бошламоқчиман. Узоқ муҳокамалардан сўнг биз биринчи мартаба Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини қабул қилдик. У 2021 йилгача мўлжалланган. Ҳаммани қизиқтира-

ётган биринчи савол: хўш, уч йилдан кейин қайси манзилга етамиз?

— Келинг, гапни, аввало, Инновацион ривожланиш стратегияси Ўзбекистонга нега керак ўзи, деган саволга жавоб беришдан бошласам. Биз асрлар давомида илм-фан билан шугулланаётган миллатимиз. Олимларимиз минглаб ихтиро ҳамда кашфиётларни қилган ва қилиб келмоқда. Лекин юртимизда илмий ишланмани амалиётга жорий этиш, яъни сотса ҳамда сотиб олса бўладиган тайёр маҳсулот ёки хизматга айлантириш ва шу орқали инноваторни рағбатлантириш имконини берадиган тизим мавжуд эмас. Бу Совет Иттифоқи таркибига кирган барча республикалар учун умумий муаммо.

Собик тузум даврида илмий тадқиқотларнинг ягона буюртмачиси давлат бўлган. Фанлар академияси таркибидеги барча ин-

титутлар, илмий марказлар ўз ишланмаларини фақат давлат ташкилотлари орқали жорий қилган. Мазкур жараёнда хусусий сектор деярли иштирок этмаган. Шунинг учун ҳам олимлар ўзи яратган ихтиродан моддий манфаат кўрмасди. Фақат ойликка яшарди ва турган гапки, ихтиросининг орқасидан қатта даромадга эга бўлиш мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмасди! Ақлий меҳнат маҳсули, масалан, бирон янги технология ёки ускуна йирик тармоқ корхоналари тасарруфидеги институтлар, конструкторлик бюроларида такомилга етказилиб, ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Мушаккилликка эришилгач, юртимизда бундай тармоқ муассасалари деярли йўқолиб кетди.

Ғарб дунёси эса, бошқа йўлдан борган. Европа мамлакатлари, Америка Қўшма Штатларида узоқ йиллардан бунёд инновацион экотизим ишлаб келмоқда. Кейинчалик Жанубий Корея, Хитой, Исроил, мана, яқиндан бошлаб Словакия, Эстония каби кичикроқ давлатлар ҳам худди шу механизм ёрдамида илм-фанини юқори босқичга кўтариб, иктисодий юксалишга эришди.

УЧУН ҲАШАМАТ КЕРАК ЭМАС

— Демак, биз улардан андаза олмакчимиз?

— Тўғрироғи, тажрибасини ўрганишимиз. Андаза эса, ўзимизники бўлади. Президент олдимишга аниқ вазифа қўйган — Ўзбекистонни инновацион тараккиётга олиб чиқиш керак. 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича дунёнинг 50 та энг кучли мамлакатга каторидан жой олишни мақсад

2021 ЙИЛГАЧА

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ
БАРЧА ТАРМОҚЛАРИ,
ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ
ВА ИДОРЛАР
ИННОВАЦИОН “РЕЛЬС”ГА
ТУШИБ ОЛИШИ КЕРАК.**

қилганимиз. Бу илм-фанга унчун ҳам, давлат органлари, тадбиркорлар, кўйингки, бутун жамият учун ҳам мураккаб янги платформага ўтишни аниқлади. Лекин ундан аввал нимани, қандай ва қайси муҳимларга қилишни билиб олиш, пухта режа тузиш зарур. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқдик. Бу ҳужжат ҳозирча уч йилга мўлжалланган. Нега ўттиз йилга эмас, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Узоқ муддатли стратегия вазибалар қўйишга ҳали тайёр эмасмиз. Чунки юқорида айтганимдек, инновацион экотизимимиз йўқ. Аниқроғи, унинг баъзи ҳалқалари мавжуд, аммо тарқок ҳолда. Баъзиларини эса, янгидан яратиб, заنجирга босқичма-босқич улашга тўғри келади. Бу ишларни 2021 йилгача бажаришни кўзлаганимиз.

Бошқача қилиб айтганда, 2021 йилгача иқтисодийнинг барча тармоқлари, давлат органлари ва идоралар инновацион “рельс”га тушиб олиши керак.

— Ундан кейин-чи?

— Ана ундан кейин Ўзбекистоннинг инновацион келажак айнан қайси соҳа билан боғлиқ бўлиши аёнлашади. Яъни бизни ривожланган давлатлар қаторига, дейлик, туризм олиб чиқадими, кишлоқ хўжалигимизни ёки энергетика — шунга аниқлай оламиз. Масалан, Корея Республикаси ахборот технологиялари бўйича пешқадам. Нега? Чунки ўз вақтида бу мамлакат IT соҳасидаги инновацияларни рағбатлантирган, мазкур тармоққа катта-катта сармоялар киритган. Натижасини эса, ҳаммамиз кўриб турибмиз. Яна бир муҳим намуна: Ўзбекистонда инновацион экотизим тўлақонли ишлаб кетгач, ёшларимиз ёриб чиқа оладиган тармоқларини олдиндан аниқлаш имкони туғилади. Балки блокчейнни ҳаммадан зўр қила олармиз. “Инсон капитали”ни шунга қараб йўналтиришимиз мумкин.

— Инновацион экотизимни заنجир сифатида ифодалагиниз. Унинг таркибий қисмлари нималардан иборат? Қайси ҳалқаларга эгамиз-у, қайсиларини энди-энди ҳосил қилишга тўғри келади?

— Инновацион экотизимнинг асоси ва бош бўғини, шубҳасиз, инновациялар ҳисобланади. Биз шу пайтгача ҳар қандай ихтиро ёки ишланмани инновация, деб чуқур янгилиб келдик. Ўн йил мобайнида ўтказилган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида фақат илмий тадқиқотлар натижалари намойиш қилиб келинади. Масалан, илмий ҳодим-изланувчи қўлбола усулда янги ускунанинг макетини ясаган-у, ярмаркага олиб келаверган. Аммо бу ҳали инновация эмас. Чунки маҳсулотнинг на стандарти, на сертификати, на қиймати бор. Уни тадбиркор ёки сармоядорга шу туришда сотиб бўлмайди. Соддароқ қилиб тушунирсам, сиз дехқоннинг ишини минг қарра енгиллаштириб, вақтини тежаб берадиган зўр омон ясадингиз-у, аммо уни қайси материалдан, қандай параметрлар асосида ишлаб чиқариш кераклиги ҳали ноаниқ. Табиийки, ишланмангизга харидор ҳам топилмайди. Эртага у панд бериб қолса-чи? Э йўқ, тадбиркорга қафолат керак! Ҳали-ҳалигача кўпгина маҳаллий корхона ва компаниялар таваккал қилишни хоҳламай, инновацияларни хориждан олиб келишни афзал кўрмоқда.

Хуллас, ишланмаларни стандартлаштириш инновацион экотизимнинг битта этишмадиган ҳалқаси ҳисобланади. Президентимиз мазкур муаммага ечим кўрсатиб берди. Энди илм-фанга йўналтириладиган сармоя, хусусан, грант маблағларининг 20 фоизи илмий натижани стандартлаштиришга сарфланади. Илгари бу ишга бир

сўм ҳам ажратилмасди.

Экотизимдаги кейинги муҳим ҳалқа илм-фанни бизнес билан боғлашга хизмат қилади. Аслида илмий янгилик тижорат маҳсулотига айлангандан кейингина инновация дейилишга ҳақли. Мана ўша тижоратлаштириш жараёни билан тадбиркор шугулланиши керак. Ҳарда мазкур фаолиятни венчур молиялаштиришга ихтисослашган инвестицион компаниялар олиб боради. Бизда тадбиркорликнинг бундай шакли энди пайдо бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистонда биринчи мартаба 18 та инвестицион компания ташкил қилинди (йил охиригача салмоқ янада ортиши кутилмоқда — *илоҳ Муаллиф*). Яширмайман, бу ишни катта қийинчилик билан амалга оширдик. Компаниялар капитали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 100 миллион АҚШ долларига тенг фонд маблағлари ҳисобидан шакллантирилди. Сабаби маҳаллий бизнес ҳозирча илмий маҳсулотларни сотиш қўнимасига эга эмас. Рискдан қўрқди. Тадбиркор ҳамда олимларимизда янги механизмга ишонч пайдо бўлиши учун у қандай ишларини ва пировард натижада

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТАБА 18 ТА ИНВЕСТИЦИОН КОМПАНИЯ ТАШКИЛ ҚИЛИНДИ.

ҳаммага фойда келтира олишини амалда кўрсатиб бериш керак.

Механизм эса, қўйилганча: муайян ихтиро яратган олим уни тижорат маҳсулотига айлантириш учун сармоядор топади. Икки томон ўзаро келишиб, қўшма корхона ташкил қилади. Давлатимиз раҳбари шахсан ташаббус кўрсатиб, фойданинг 70 фоизини (!) инноватор ва унинг жамоаси олсин деган масалани ўртага қўйди. Бу жуда катта рағбат! Инвестицион компаниянинг асосий вази-фаси илмий янгиликни инновацияга айлантириб, бозорга чиқаришдан иборат. Бундан ишланма муаллифи ва тадбиркор ва ҳатто давлат фойда ҳам кўради. Чунки компания олган даромадидан солиқ тўлайди.

Аслида ҳар ким ўз ишини бажарсагина самарага эришамиз. Айтайлик, тадбиркор маҳсулотнинг қадогидан тортиб рекламасигача қандай бўлиши кераклигини, қолаверса, логистикасини, ким билан, нима масалада ва қандай келишишни билади. Тамом! Олим бу ишларга вақтини сарфлаб ўтирмайди. Инвестицион компанияга ишланмасини тақдим этади, ҳолос. Лицензияси бор, ҳаммаси қонуний, келган даромаддан улушини олиб юраверади. Олим ўзини фақат илм-фанга бағишлагандан кейин бир кун келиб, Нобель мукофотини ҳам қўлга киритади-да.

Бизда эса, вазият бошқача. Шу чоққача олимларимиз ишланмани амалиётга татиб қиламан, деб ўзи елиб-югуришга мажбур эди. Натижада, илм бир четда қолиб кетган. Шунда ҳам корхоналар, айниқса, йирик ишлаб чиқарувчилар фақат тор доирада синовдан ўтказилган илмий янгиликни қабул қилишдан қўрққан. Сабаби ўхшамай қолса, катта зарар қўриши аниқ. Иқтисодийнинг устуни бўлган гигант корхоналар эса, ҳатто қасодга учраши мумкин.

Ҳарқалай, ихтирога харидор топилса ҳам ўртада хўжалик шартномаси тузилгани боис, тадқиқотчига арзimas пул берилган. Шу боис баъзи олимлар интеллектуал маҳсулотига жиддий эътибор билан қарамаган. Пировардидан ишланмалари шафда қолиб кетаверган!

Боз устига, миллий қонунчиликка кўра, бизда фан солиқдан озод қилинган. Демак, хўжалик шартномасидан даромад қўрилган тақдирда, газнага барибир ҳеч нарса тушмайди.

Венчур молиялаштиришда эса, ундай эмас. Инвестицион компаниянинг фаолияти солиққа тортилади. Бу — бир. Асосийси, олим ва тадбиркор қўшма корхона тузганидан кейин, иккаласи ҳам ишланмани сотишдан даромад кўради. Тижоратлаштириш жараёни ниҳоятда етган, яъни ихтиро инновацияга айланганидан сўнг, томонлар қўшма корхонани бошқа каттарок бизнесга шу туришда сотиб юбориши мумкин. Бундай амалиёт бутун дунёда қўлланилмоқда.

Яқин йилда ичда 100-200 тагача маҳаллий инвестицион компанияни тузсак, шундан 10-15 таси трансмиллий даражага етса

ишланмаларимизга каттарок харидорлар топиш имкониятига эга бўламиз. Шунда бюджетга валюта тушади. Мамлакат бойийди.

— Инвестицион компанияларимиз илм-фаннинг қайси тармоқларини молиялаштиришда?

— Тижоратлаштириш учун Фанлар академияси таркибидеги 27 та илмий-тадқиқот институтиде яратилган 43 та ишланмани танлаб олдик. Улар янги дори препаратлари, ўсимлик навлари, уруғлар, минерал ўғитлар ва бошқалардан иборат. Энергетика соҳасига тааллуқли ишланмалар ҳам бор. Ҳозирча қўшма корхоналарга Президент фондидан пул ажратилишти. Тадбиркорга маблағни тижорат банкларига бегарз тарзда беради.

Банк бизнесни ташкил қилишда иштирок этади ва истеъмолчи, яъни тармоқ корхонани топишда қўмақлашади. Маҳсулот ишлаб чиқарилгандан кейин фойданинг 40 фоизи олимга, 30 фоизи жамоасига тегади. Ушбу механизм тўлиқ ишлаб кетгач, банк даврандан чиқиб кетади — қўшма корхонанинг эгаси бўлиб тадбиркор ҳамда инноватор қолади.

— Венчур молиялаштиришга хорижда тажрибалироқ сармоядорларни ҳам жалб қилиш мумкин-ку.

— Бу вариантни ҳеч ким истисно этаётгани йўқ. Бирок унутманг, инновацион экотизимни биз Ўзбекистонда ишлашмоқчимиз. Демак, унинг асосий “ўйинчилар”ни ўзимизникилардан бўлгани маъқул. Илмий ишланмаларимизга харидор бўлаётган чет эл компаниялари кўп. Аммо инновацияни хорижга сотишдан аввал уни баҳолаш керак. Яъни маҳсулот 1 сўм турадимиз ёки 1000 сўм? Қандай қилиб аниқлаймиз? Объектив баҳони фақат бозор бера олади. Бунинг учун маҳсулотни яратиш ва бозорини ташкил қилиш керак. Шунда нарх чиқади. Инновацион экотизимдаги коммерциализация ҳалқасининг аҳамиятини мазкур жараёнда ҳам яққол кўриш мумкин.

— Мамлакат инновацион “рельс”га тушиши учун бизга академик фан ва инвестицион компанияларнинг ўзи қифоими?

— Йўқ. Мен асосий талабни ҳали айтиб улгурмадим. Биринчи навбатда, биз инновацияларга йўл очиб берувчи норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш олишимиз зарур. Бу парламент ва ҳокимиятнинг бошқа бўғинла-

мезаним тўхтади. Айтайлик, илм-фанга қанча маблағ йўналтирманг, ишланмани тайёр тижорат маҳсулоти сифатида йирик бизнесга сотадиган ўртадаги боғловчи бўғин (инвестицион компания) бўлмаса, самара чиқмайди. Худди шу каби ҳуқуқий асоссиз узоққа боролмаслигиниз тайин. Ёки ишчи стилингиз бўлмаса, минг пул беринг, ихтиро яратилмайди. Чунки шароит йўқ!

Хуллас, яқин уч йил ичда инновацион экотизимнинг ҳар бир компонентини ё қисман, ё тўлиқ ҳолда барча давлат тузилмаларига киритиб олишимиз зарур. Бусиз инновацион тараккиёт ҳақида гапириш бефойда.

— Бусиз Глобал инновацион индекс рейтингини ҳам ҳеч қандай позицияни эгаллаб олмаймиз, шундайми?

— Тўппа-тўғри. Биз барча вазирлик ва идораларга Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси мазмун-моҳиятидан келиб чиқувчи муайян вазифалар ёзиб беришимиз. Эслатиб ўтаман, стратегияда бешта йўналиш бўйича 35 та вазифа белгиланган. Шуларга қараб ҳар бир тузилма ўз “йўл харитаси”ни ишлаб чиқади. Кейин аниқ чора-тадбирларга ўтилади: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қа-

ШУ ЧОҚҚАЧА ОЛИМЛАРИМИЗ ИШЛАНМАМНИ АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛАМАН, ДЕБ ЎЗИ ЕЛИБ-ЮГУРИШГА МАЖБУР ЭДИ.

бул қилинади, инфратузилма яратилади, муайян технологиялар татиб қилинади ва ҳоказо. Буларнинг Глобал инновацион индексга нима алоқаси бор, дейишингиз мумкин. Жаҳонда тан олинган мазкур электрон тизим мамлакатнинг инновацион ривожланиш суратини 81 та мезон асосида баҳолаб боради. Аниқроғи, баҳолаш билан Инновацион ривожланиш вазирлиги шугулланади ва натижаларни тегишли ҳалқаро ташиқлотта тақдим этади. Баҳолашдан аввал эса, тузилмаларга вазифаларни тақсимлаб чиқиш керак эди. Бу иш билан, юқорида айтганимдек, ҳозир шугулланяпмиз.

“ЖУДА КЎП ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ИЛМ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИДА НОРОЗИЛИК ПАЙДО БЎЛДИ.

ри зиммасига жиддий масъулият юклайди. Масалан, ҳозир, венчур молиялаштириш тўғрисида фармон тайёрланяпти. У қабул қилинмас экан, инвестицион компаниялар эмин-эркин фаолият юритолмайди.

Кейинги талаб — инфратузилма. Қонуни нормалари жой-жойига келтирилгач, энди инновацион экотизим иштирокчиларига ишчи стилини яратиб беришимиз керак. У инновацион марказлар, акселераторлар,

МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОР ТАВАККАЛ ҚИЛИШНИ ХОҲЛАМАЙ, ИННОВАЦИЯЛАРНИ ХОРИЖДАН ОЛИБ КЕЛИШНИ АФЗАЛ КЎРМОҚДА.

бизнес ёки илмий стартаплар кўринишида бўлиши мумкин.

Учинчи муҳим талаб илмий ихтироларни инновацияга айлантириш бўлса, ундан кейинги босқичларда инновация учун истеъмолчи ва харидор топишга ҳаракат қилинади.

Мен санаб ўтган жараёнларни баъзи ҳолларда кетма-кет, баъзида эса, параллел равишда олиб бориш керак. Юқоридаги талаблар қондирилса, тўлақонли инновацион экотизимга эришамиз. Лекин унинг ақалли битта бўғини ишламай қолса, бутун бошли

натижа чиқмаган. Корхоналар зўрма-зўраки хўжалик шартномаларини тузган-у, кейин улардан воз кечган. Дарвоқе, маълумот учун: ўтган йилги ҳисоботларда шартномаларнинг умумий қиймати 30 миллиард сўмни ташкил қилгани кайд этилади.

Энди эса, ҳеч кимни ҳеч нарсага мажбурламадик. Тадбиркорлар, олимлар, тармоқ корхоналари ва хорижий сармоядор-

ВЕНЧУР МОЛИЯЛАШТИРИШДА ФОЙДАНИНГ

70 ФОИЗИ ИННОВАТОР ВА УНИНГ ЖАМОАСИГА ТЕГАДИ.

ларга инновацияларни намойиш қилиб, ўз имкониятлари даражасида уларни сотиб олишга ёки ҳамкорлик ўрнатишга майдон яратиб бердик.

Масалан, Тошкент давлат аграр университетиде яратилган 30 миллион сўмлик куришти ускунаси катта кизиккиш билан қарши олинди. “Ўсимликлар клиникаси” ҳам кўпчиликка манзур келган ишланмалардан биридир. Ҳозир уни нарх 170 та маҳаллада татиб этиш учун буюртма тушган.

Бундан ташқари, козистонлик инвестор биздан 12 минг АҚШ долларига уруғ сотиб олишга тайёрлигини айтган. Яна битта маҳаллий компаниянинг 570 минг долларга тенг тайёр, қадокланган маҳсулотига тожикистонлик тадбиркорлар харидор чиқди.

Уруғчилик соҳасидаги улкан соҳахиятимизни муносиб баҳолаган ўндан ортик тадбиркор ҳатто ҳамкорликда уруғчилик кластерларини ташкил этиш таклифини берди. Бошқача қилиб айтганда, улар ўзининг 3-4 миллион доллар маблағини уруғларни қадоклаб сотишга йўналтирмоқчи.

Халқаро инновацион ярмарка доирасида Ўзбекистонга ҳаммаси бўлиб 2 триллион сўм миқдорда тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилиш бўйича келишувларга эришилди.

— Бу кўпми-камми?

— Менимча, старлидан ортик. Чунки инновацион экотизимимиз ҳали шаклланмаган. Шундай экан, қўлга киритилган сармояларни ўзлаштириш жараёни анча вақтни талаб қилади. Аслида хорижий сармоядорлар инновацияларимизга кизиккиб, бу соҳадаги ижобий ўзгаришларни кўриб, инвестиция киритиш хоҳишини билдирганининг ўзи катта гап.

— Халқаро инновацион-сармоявий форум ҳам худди шу натижани берганини пайқадим.

— Ҳа. Чиндан ҳам халқаро форумда биз илгари Ўзбекистонга унчалик кизиккиш билдирмаган, ҳатто келишни ҳам ўзинга эи билмаган дунёдаги етакчи мутахассис-экспертларни жамлаб олдик. Улар юртимизнинг инновацион келажак сари қўяётган дадил қадамлари, қилинаётган янгиликларини, муҳимни, очилкиш пайдо бўлганини катта маънуният билан қайд этди. Ўзбекистонда инновацион ривожланиш стратегияси қабул қилингани ҳамда 18 та инвестицион компания фаолияти йўлга қўйилганини ҳам нуфузли доиралар оптимистик руҳда қабул қилди. Ёшларимизнинг илмга чанқоқлиги ҳамда ўзгаришларга тайёр экани эса, уларни ростмана қойил қолдирганига шахсан ўзим гувоҳман.

Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, йўл қўйилган хатоларни такрорла-маслик инновацион тараккиётга тезроқ етиб боришимизга имкон беради. Масалан, тарих бизга АҚШдаги “Силикон водийси” каби жуда катта маблағ эвазига амалга оширилувчи лойиҳалар ҳамма жойда ҳам бирдай самара бермаслигини уқтирмоқда. Россиянинг “СКОЛКОВО”сини эсланг. Бундай гигант мажмуадан кўра худудларда кичик-кичик инновацион марказларни ташкил қилиш минг чандон афзал.

Умуман олганда, инновация учун ҳашамат керак эмас. Ишчи стили, оптимал шароит бўлса бас. У ёғига йигит-қизларимиз иктидорини намойиш қилиб, катта-катта ишларга қўл ураверади.

Ўзбекистоннинг қайси-бир туманидан битта талаба “Google”га ўхшаган компания яратса бўлди — биз ёриб чиқиб кетамиз!

Мен ишонман, мамлакатимизда бундай ёшлар талайгина. Уларни кўпроқ рағбатлантириб, руҳлантириб туриш керак.

"TRADE CONSULT SERVICE" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

BOSHLANG'ICH BAHOSI BOSQICHMA-BOSQICH OSHIB BORISH TARTIBIDA O'TKAZILADIGAN OCHIQUKSIION SAVDOSIGA TAKLIF ETADI!

2018-yil 5-dekabr kuni soat 10:00 da Andijon shahri, A.Fitrat ko'chasi, 234A-uyda bo'lib o'tadigan auktsionda "O'zagrosug'urta" aksiyadorlik jamiyati hisobida bo'lgan quyidagi avtotransport vositalari sotuvga qo'yilmoqda:

- 1994-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 60/079 QAA bo'lgan "VAZ 21061". Boshlang'ich bahosi — 10 336 000 so'm.
 - 1996-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 60/413 CAA bo'lgan "Damas". Boshlang'ich bahosi — 18 631 000 so'm.
 - 1994-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 17/AE 835 bo'lgan "VAZ 21061". Boshlang'ich bahosi — 7 646 000 so'm.
 - 1997-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 60/752 HAA bo'lgan "Tiko". Boshlang'ich bahosi — 7 921 000 so'm.
 - 1997-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 60/189 HAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 22 020 000 so'm.
 - 1996-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 60/183 QAA bo'lgan "Damas". Boshlang'ich bahosi — 18 777 000 so'm.
 - 1997-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 60/140 QAA bo'lgan "Tiko". Boshlang'ich bahosi — 8 410 000 so'm.
 - 1998-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 17/AS 138 bo'lgan "Tiko". Boshlang'ich bahosi — 22 348 000 so'm.
 - 1998-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 60/778 FAA bo'lgan "Tiko". Boshlang'ich bahosi — 12 526 000 so'm.
 - 1999-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 60/554 HAA bo'lgan "Tiko". Boshlang'ich bahosi — 12 555 000 so'm.
 - 2002-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 60/776 FAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 27 767 000 so'm.
 - 2008-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 60/108 NAA bo'lgan "Lada-2107". Boshlang'ich bahosi — 28 433 000 so'm.
 - 2008-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 60/830 GAA bo'lgan "VAZ-2107". Boshlang'ich bahosi — 13 275 000 so'm.
- Arizalar 23-noyabr kuni soat 10:00 dan 18:00 gacha qabul qilinadi.

2018-yil 6-dekabr kuni soat 10:00 da Farg'ona shahri, G.Farmonova ko'chasi, 13-uyda bo'lib o'tadigan auktsionda quyidagi avtotransport vositalari sotuvga qo'yilmoqda:

- 1993-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 40/892 EAA bo'lgan "Damas". Boshlang'ich bahosi — 9 249 000 so'm.
 - 1993-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 15/AD 391 bo'lgan "VAZ 2106". Boshlang'ich bahosi — 6 047 000 so'm.
 - 1996-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 40/045 JAA bo'lgan "Tiko". Boshlang'ich bahosi — 10 451 000 so'm.
 - 1996-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 40/839 JAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 18 960 000 so'm.
 - 1996-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 40/848 NAA bo'lgan "Tiko". Boshlang'ich bahosi — 10 214 000 so'm.
 - 1996-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 40/796 WAA bo'lgan "Vaz 21-06". Boshlang'ich bahosi — 7 094 000 so'm.
 - 1998-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 40/232 OAA bo'lgan "Tiko". Boshlang'ich bahosi — 9 838 000 so'm.
 - 1997-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 40/649 NAA bo'lgan "Damas". Boshlang'ich bahosi — 10 370 000 so'm.
 - 1998-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 40/552 BAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 13 840 000 so'm.
 - 1998-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 40/523 EAA bo'lgan "Damas". Boshlang'ich bahosi — 10 560 000 so'm.
 - 1999-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 40/229 NAA bo'lgan "Tiko". Boshlang'ich bahosi — 10 401 000 so'm.
 - 1999-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 40/566 NAA bo'lgan "Tiko". Boshlang'ich bahosi — 9 062 000 so'm.
 - 2001-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 40/038 BAA bo'lgan "Volga 31-02". Boshlang'ich bahosi — 11 616 000 so'm.
 - 2002-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 40/846 WAA bo'lgan "Tiko". Boshlang'ich bahosi — 10 363 000 so'm.
 - 2007-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 40/248 LAA bo'lgan "VAZ 2107". Boshlang'ich bahosi — 12 009 000 so'm.
- Arizalar 24-noyabr kuni soat 10:00 dan 18:00 gacha qabul qilinadi.

2018-yil 7-dekabr kuni soat 10:00 da Namangan shahri, A.Navoiy ko'chasi, 9-uyda bo'lib o'tadigan auktsionda quyidagi avtotransport vositalari sotuvga qo'yilmoqda:

- 1999-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 50/347 AAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 13 903 000 so'm.
 - 2001-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 50/221 GAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 16 437 000 so'm.
 - 2006-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 50/223 GAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 16 197 000 so'm.
 - 2008-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 50/980 GAA bo'lgan "VAZ-2107". Boshlang'ich bahosi — 14 737 000 so'm.
- Arizalar 25-noyabr kuni soat 10:00 dan 18:00 gacha qabul qilinadi.

2018-yil 10-dekabr kuni soat 10:00 da Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Bo'z-2 ko'chasi, 69-uyda bo'lib o'tadigan auktsionda quyidagi avtotransport vositalari sotuvga qo'yilmoqda:

- 1989-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10/614 OAA bo'lgan "VAZ-2106". Boshlang'ich bahosi — 3 612 000 so'm.
- 1996-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10/024 MAA bo'lgan "VAZ-2106". Boshlang'ich bahosi — 8 525 000 so'm.
- 1996-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10/761 SAA bo'lgan "VAZ-2106". Boshlang'ich bahosi — 8 525 000 so'm.
- 1997-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10/398 CBA bo'lgan "Damas". Boshlang'ich bahosi — 8 877 000 so'm.
- 2001-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10/917 YAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 15 936 000 so'm.

Yuqoridagi mulklar auktsion kuni sotilmay qolgan taqdirda takroriy auktsion savdolari o'n ish kunidan keyin soat 10:00 da o'tkaziladi.

Talabgorlardan arizalar ish kunlari soat 10:00 dan 18:00 gacha quyida ko'rsatilgan manzilda qabul qilinadi. Arizalarni qabul qilish auktsion savdosini boshlanishidan 1 (bir) ish kuni avval soat 15:00 da to'xtatiladi. Auktsion savdosida ishtirok etish uchun talabgorlar "Zakat puli to'g'risidagi keli-

shuv"ni imzolagandan keyin avtotransport vositasi boshlang'ich bahosining 15 (o'n besh) foizidan kam bo'lmagan miqdorda zakalat pulini "Trade Consult Service" MCHJning ATB "Turonbank", Yashnobod filiali, MFO: 01083, STIR: 304454706, 2020800800701688001 hisob raqamiga to'lashi va quyidagi hujjatlarni topshirishi kerak: auktsion savdosida qatnashish uchun yuridik shaxslardan davlat ro'yxatidan o'tkazilgan to'g'risidagi guvohnoma nuxsasi, agar vakolatli shaxs qatnashsa, o'rnatilgan tartibda rasmiylashtirilgan ishonchnoma, uning shaxsini tasdiqlaydigan hujjat ilova qilingan holda; jismoniy shaxslardan pasport nuxsasi, agar vakolatli shaxs qatnashsa, o'rnatilgan tartibda rasmiylashtirilgan ishonchnoma, uning shaxsini tasdiqlaydigan hujjat ilova qilingan holda, zakalat puli to'lagani haqida to'lov qog'ozi. Qo'shimcha xizmatlar ko'rsatish uchun to'lov olinadi.

2018-yil 11-dekabr kuni soat 10:00 da Guliston shahri, Xalqlar do'stligi ko'chasi, 16-uyda bo'lib o'tadigan auktsionda quyidagi avtotransport vositalari sotuvga qo'yilmoqda:

- 2002-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10/667 LAA bo'lgan "Damas". Boshlang'ich bahosi — 9 447 000 so'm.
 - 2007-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10/470 AAA bo'lgan "VAZ-2154". Boshlang'ich bahosi — 7 127 000 so'm.
 - 2008-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 10/385 DBA bo'lgan "VAZ-2107". Boshlang'ich bahosi — 12 605 000 so'm.
- Arizalar 26-noyabr kuni soat 10:00 dan 18:00 gacha qabul qilinadi.

2018-yil 12-dekabr kuni soat 10:00 da Jizzax shahri, Zargarlik ko'chasi, 7-uyda bo'lib o'tadigan auktsionda quyidagi avtotransport vositalari sotuvga qo'yilmoqda:

- 2006-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 20/094 MAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 9 891 000 so'm.
 - 2005-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 20/395 FAA bo'lgan "VAZ-2107". Boshlang'ich bahosi — 6 190 000 so'm.
 - 2006-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 20/821 VAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 9 891 000 so'm.
- Arizalar 27-noyabr kuni soat 10:00 dan 18:00 gacha qabul qilinadi.

2018-yil 12-dekabr kuni soat 10:00 da Jizzax shahri, Zargarlik ko'chasi, 7-uyda bo'lib o'tadigan auktsionda quyidagi avtotransport vositalari sotuvga qo'yilmoqda:

- 2003-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 25 401 DAA bo'lgan "Damas". Boshlang'ich bahosi — 19 680 000 so'm.
 - 2007-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 25/553 GAA bo'lgan "VAZ-21101-12551". Boshlang'ich bahosi — 25 657 000 so'm.
 - 2000-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 25/294 HAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 17 264 000 so'm.
- Arizalar 28-noyabr kuni soat 10:00 dan 18:00 gacha qabul qilinadi.

2018-yil 13-dekabr kuni soat 10:00 da Termiz shahri, M.Qashqariy ko'chasi, 36-uyda bo'lib o'tadigan auktsionda quyidagi avtotransport vositalari sotuvga qo'yilmoqda:

- 1996-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 75/498 KAA bo'lgan "Tiko". Boshlang'ich bahosi — 14 204 000 so'm.
 - 2000-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 75/386 EAA bo'lgan "Tiko". Boshlang'ich bahosi — 10 860 000 so'm.
 - 2007-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 75/037 JAA bo'lgan "Lada-21101-125". Boshlang'ich bahosi — 14 213 000 so'm.
- Arizalar 29-noyabr kuni soat 10:00 dan 18:00 gacha qabul qilinadi.

2018-yil 14-dekabr kuni soat 10:00 da Qarshi shahri, I.Karimov ko'chasida bo'lib o'tadigan auktsionda quyidagi avtotransport vositalari sotuvga qo'yilmoqda:

- 2001-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 70/554 MAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 28 499 000 so'm.
 - 2003-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 70/057 AAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 30 917 000 so'm.
 - 2003-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 70/695 SAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 29 585 000 so'm.
 - 2006-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 70/527 FAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 34 008 000 so'm.
 - 1995-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 70/241 RAA bo'lgan "Nexia/Sielo". Boshlang'ich bahosi — 23 858 000 so'm.
 - 1998-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 18 AA 885 bo'lgan "Tiko". Boshlang'ich bahosi — 9 003 000 so'm.
 - 2000-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 18 AV 763 bo'lgan "Tiko". Boshlang'ich bahosi — 9 423 000 so'm.
- Arizalar 30-noyabr kuni soat 10:00 dan 18:00 gacha qabul qilinadi.

2018-yil 17-dekabr kuni soat 10:00 da Karmana tumani, I.Karimov ko'chasi, 29-uyda bo'lib o'tadigan auktsionda quyidagi avtotransport vositalari sotuvga qo'yilmoqda:

- 2002-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 85/075 AAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 19 482 000 so'm.
 - 2006-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 85/510 KAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 22 563 000 so'm.
 - 2006-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 85/759 GAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 22 563 000 so'm.
- Arizalar 1-dekabr kuni soat 10:00 dan 18:00 gacha qabul qilinadi.

2018-yil 18-dekabr kuni soat 10:00 da Buxoro tumani, Buyuk Ipak yo'li ko'chasi, 16-uyda bo'lib o'tadigan auktsionda quyidagi avtotransport vositalari sotuvga qo'yilmoqda:

- 2006-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 80/793 UAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 22 563 000 so'm.
 - 2007-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 80/940 QAA bo'lgan "Lada 21101-125-51". Boshlang'ich bahosi — 7 261 000 so'm.
- Arizalar 2-dekabr kuni soat 10:00 dan 18:00 gacha qabul qilinadi.

2018-yil 19-dekabr kuni soat 10:00 da Urganch shahri, A.Qodiriy ko'chasi, 2B-uyda bo'lib o'tadigan auktsionda quyidagi avtotransport vositalari sotuvga qo'yilmoqda:

- 2001-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 90/635 GAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 18 367 000 so'm.
 - 2003-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 90/015 SAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 9 859 000 so'm.
 - 2004-yilda ishlab chiqarilgan, davlat raqami 95/755 VAA bo'lgan "Nexia". Boshlang'ich bahosi — 21 983 000 so'm.
- Arizalar 3-dekabr kuni soat 10:00 dan 18:00 gacha qabul qilinadi.

1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Muddatli harbiy xizmatga chaqirilish muddatini kechiktirish mumkinmi? Agar mumkin bo'lsa, qanday hollarda?

Husniddin BAHRIIDINOV
G'allaorol tumani

Savolga huquqshunos Gulnoza YO'LDASHEVA javob beradi:

— Chaqiriluvchilarning muddatli harbiy xizmatga va safarbarlik chaqiruv rezervidagi xizmatga chaqirilish muddatini oilaviy sharoitga ko'ra kechiktirish mumkin. Bunga quyidagilar kiradi:

- ▶ chaqiriluvchining ota-onasi mehnatga qobiliyatsiz (mazkur holat qonunga muvofiq aniqlanadi) bo'lib, ulami boqishga qurbi yetadigan mehnatga qobiliyatli voyaga yetgan boshqa o'g'li bo'lmasa;
- ▶ chaqiriluvchining mehnatga qobiliyatli yolg'iz onasi yoki otasi bo'lib, ularning qaramog'ida o'n olti yoshga to'lmagan ikki va undan ortiq farzandi bo'lgan holda mehnatga qobiliyatli voyaga yetgan boshqa o'g'li bo'lmasa;
- ▶ chaqiruv kuni chaqiriluvchining tug'ishgan aka-ukalaridan biri muddatli harbiy xizmatni o'tayotgan bo'lsa;
- ▶ chaqiriluvchining onasiz tarbiyalanayotgan voyaga yetmagan farzandi bo'lsa;
- ▶ chaqiriluvchining I yoki II guruh nogironligi bor xotini, shuningdek, voyaga yetmagan ikki va undan ortiq farzandi bo'lsa.



(Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi).



(Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi).



BUGUNNING GAPI

KLIPMI, qiliqmi?

Zarnigor ABDUMALIKOVA

Xalqimiz azaldan san'atni ma'naviyatning ajralmas qismi, tarbiya vositasi sifatida qadrlab kelgan. Ayniqsa, musiqa san'atini. Chunki inson yoqimli kuy ohanglaridan ruhiy quvvat oladi.

Yurtimizda musiqa san'atini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilayotgani nihoyatda quvonarli. Shu maqsadda "Nihol" mukofoti ta'is etilgan. Bundan tashqari "Yagonasan, muqaddas Vatani!", "E'tirof" kabi ko'rik-tanlovlar o'tkazib kelinmoqda. Ammo milliy estrada muzikasi bugungi holati kishini xavotirga soladi. Yarattirilgan qo'shiqlar orasida badiiy jihatdan sayoz, mazmunan g'alizlar talaygina. Xorijiy san'atkorlarga taqdim qilish, qo'shiq va kliplarini "o'g'irlash" holatlari ham, afsuski, uchrab turibdi. Ba'zi kliplarda esa, hatto aqlqoz mezonlar zid lavhalar bor. Bu haqda ko'pdan beri bong urilmoqda. Ammo samara oz.

Sayoz qo'shiq, avvalo, sayoz she'rdan paydo bo'ladi. Axir, qo'shiqning asosi va keyingi muvaffaqiyatli matn bilan bevosita bog'liq. Afsuski, aksariyat yosh xonandalar bu masalaga be'e'tibor. Vaholanki, ular tayyotgan qo'shiqlarning matnini kuydan ajratib o'sak, ma'no-matrasiz jumalarga duch kelamiz. Masalan, Jahongir Foziljonov ijro etgan "Shalola" taronasini olaylik:

*Yana uchrashuvga kechikib keldim,
kayfiyatim buzuv,
Anhorni bo'yida sarg'ayib kutdim,
kelyapsan kulib, jonim,
Sevishimni o'zimdanda boshqa bilmas
hech kim.*

O'QING, BU QIZIQ!



Baykal ko'liga 336 ta daryo kelib quyilsa-da, faqat bittasi oqib chiqadi.

Hindistonning "Maxaraja ekspres"i dunyoda eng qimmat poyezd hisoblanadi. Uning oddiy vagonida bir kuni o'tkazish 800, lyuks vagonida esa, 2 ming 500 AQSH dollariga tushadi.



HIKMAT

So'z — gul, ish — meva.

Muhammad XORAZMIY

BILASIZMI?



Qonunchilikka binoan shoshilinch tibbiy yordam ko'rsatish uchun transport vositasining salonida quyidagi tibbiy ashyolar bo'lishi shart:

- ✓ nosteril tibbiy dokali bint;
- ✓ steril tibbiy dokali bint;
- ✓ steril tibbiy dokali salfetkalari;
- ✓ bakteritsid leykoplastir;
- ✓ rulonli leykoplastir;
- ✓ "Og'iz-vosita-og'iz" usulida sun'iy nafas o'tkazish uchun to'siq vositasi;
- ✓ 10 foizli nashatir spiriti;
- ✓ qaychi;
- ✓ tibbiy qo'lqoplar;
- ✓ tibbiyot qutichasi.

Manba: Adliya vazirligining huquqiy axborot kanali.

Qo'shimcha ma'lumotlarni Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, Bo'z-2 ko'chasi, 69-uy manzili yoki +998 95 169 55 50 telefon raqami orqali olish mumkin. Guvohnoma № 011315.

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir

Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Molodezh Uzbekistana"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Molodezh Uzbekistana")

Dizayner

Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich

Navbatchi

Erkin Abdusattorov

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.



Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks) E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharh" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1136 Adadi — 11093

Boshlang'ich to'plash vaqti — 21.00 To'plash vaqti — 23.45

Ofset usulida bosilgan.

1 2 3 4 5